



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 155 (9651).

• 1989 йил 19 август •

Баҳоси 5 тийин.



РЕДАКЦИЯ ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИДА

1989 йилнинг 31 июлигача редакция областизмнинг районларидан, шаҳар ва қишлоқларидаги жамоатчи ҳамда қишлоқ мухбирларидан, барча соҳа мутахассисларидан, газетхонлардан турли мавзуларда 5.818 та мақола, хат-хабар ва фотосуратлар олди. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларида эълон қилинди. Келган хатларнинг 457 таси турли масалалар бўйича шикоят, ариза ҳамда тақлиф-мулоҳазалардир. 164 та хат газетада босилди. Эълон қилинган танқидий мақола ва хабар, босилмаган 393 та шикоят, ариза, тақлиф-мулоҳаза тегишли муассасалар, партия, совет органлари, хўжаликлар ва ташкилотларнинг раҳбарларига юборилди.

ТЕКШИРИШГА юборилган танқидий мақола ва хабарларга 348 та жавоб олинди. Улардан 164 таси «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар, «Тошкент ҳақиқати» материаллари эътибордан, «Хатлар «Тошкент ҳақиқати» назоратида» рубрикалари остида босилиб чиқди. 164 та хат ва шикоят муаллифларига текшириш натижалари маълум қилинди.

ЎТГАН ДАВРДА редакция ҳузурида ишлайётган ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш жамоатчилиги кенгаши 32 марта қабул ўтказди. Шу кунгача жамоатчилик кенгашининг қабулхонасига 406 киши шурожаат қилиб ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди. Уларнинг талаблари, эҳтиёжлари, шикоятлари редакция аралашуви билан тегишли ташкилотлар томонидан қондирилди.

Бугун биз хизматдамиз

ПОЙТАХТНИНГ энг гавжум жойларидан бири, «СССР 50 йиллиги» метро бекатининг шундоқина сўл қанотида жойлашган Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги номи босқимизда бугун яна тантана. Бу ерда сеvimли газетамиз — «Тошкент ҳақиқати» кунни ўтказилапти. 22 гектарли майдонни эгаллаб турган оромгоҳимиз бутун саҳни газета мухлислари ва меҳмонлари ихтиёрига бериб қўйилган. Улар «Тошкент ҳақиқати» редакцияси коллективи, таниқли журналлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашиб, мулоқотда бўладилар. Бу мулоқотлар расмийликдан анча йироқ, меҳмоннавозлик, эркин суҳбат ва савол-жавоб руҳида ўтади.

БУГУН боғга ташриф буюрувчилар газета коллективи томонидан айнан шу байрамга тақлиф қилинган Олмахон Ҳайитова, Олимжон Орифонов, Соат Шарипов каби кўпгина санъаткорлар, пойтахт театрлари актёрлари, кўнграчқобоз, дорбоз ва санъатнинг бошқа томошабон турлари вакиллари чинчиларидан баҳраменд бўладилар. Сатира ва юмор усталари, аскиячилар байрам меҳмонлари кайфиятини янада кўтарish учун бор маҳоратларини ишга солишади. Тошкент областининг турли районларидан келган фольклор ва этнографик ансамбллар ҳам байрам файзига фойда қўшади.

Редакция ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни тарғиб қилиш жамоатчилиги

кенгашининг аъзолари навабтеги қабулини шу ерда ўтказадилар. Сайил қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволлар билан уларга шурожаат қилишлари, баҳс ва мунозараларда иштирок этишлари мумкин. Шунингдек бугун боғда китоб савдоси, Ўзбекистон журналистлари союзи Тошкент ташкилоти фотосекциясининг мазкур байрамга атаб ҳозирлаган кўргазмаси ва бошқа оммавий тадбирлар ҳам уюштирилади.

БОҒГА келаётган меҳмонларга алоҳида хизмат кўрсатиш назарда тутилмоқда. Бу вазифани Тошкент шаҳар савдо бошқармаси, Чилонзор район ошхоналар трести ва Райпишчеторги ўз зиммасига олган.

Ташриф буюрувчилар кабоб, палов каби миллий таомлар, бошқа турли хил тансиқ егуликлар тановул қилишади. Область колхоз ва совхозларидан келтирилган қовун-тарвузлар, савзавот маҳсулотлари ҳам айнан шу ерда сотилади.

Хуллас, байрамни мазмунли ўтказишга бел боғлаганмиз. Тантанамизнинг асил беағи Сиз — газетхонларсиз! Шундай экан сеvimли газетангиз ўтказётган ушбу шодибонага ўз ҳиссанигизни қўшишга шошининг! Боғимизга марҳамат, азиз дўстлар!

Баҳодир СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги номи
маданият ва истироҳат боғи директори.

«ҚАЛДИРҒОЧ», «ЧАҚ - ЧАҚ» ВА БОШҚАЛАР...

Тонгдан бошлаб истироҳат боғида карнай-сурнай наволари баралла янграйди. Ранго-ранг либослар кийиб олган шаҳар ва район маданият уйлари бадий ҳаваскорлари оромгоҳга фойда бағишлайдилар. Биргина Янгийўлдагина эмас, областда ҳам ўзининг мухлисларини хушнуд этиб келаётган «ҚАЛДИРҒОЧ» халқ бадий цирк коллективи. Паркентдаги кексалардан иборат «ЧАҚ-ЧАҚ» ансамбли иштирокчилари, Оржоникидзе район маданият уйининг «ШАЛОЛА», Калинин район маданият уйининг «ҲОСИЛ» ансамбллари ва қатор бошқа ҳаваскор коллективлар бугунги байрам иштирокчиларини хушнуд этадилар.

Тантанада кекса онахонлардан иборат ансамбллар ҳам актив қатнашадилар. Бўстонлик, Урта Чирчиқ, Янгийўл, Тошкент районларидан ташриф буюрган ҳаваскорлар ўз санъатларини намоиш этадилар.

Тантанада ҳаммаси бўлиб ўндан ортқ бадий коллектив қатнашади.

Р. СОДИҚБЕКОВА,
Область маданият бошқармаси методик марказининг муҳаррири.

БОҒГА МАРҲАМАТ, ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

19 | ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ 40 ЙИЛЛИГИ | 19

АВГУСТДА 1989 йил | ЯНВАРИ НАДАМИТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА | АВГУСТДА 1989 йил

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ ГАЗЕТАСИ БАЙРАМИ

ПРОГРАММАДА:

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси коллективи ва таниқли журналистларининг газетхонлар билан мулоқоти, шунинг ҳамда ёзувчиларнинг дил сўзлари. Ўзбекистон санъат усталари ва кнграчқобозларнинг хўш кўни ва вандаси, аския, сатира ва юмор усталарининг чинчилари

Редакция ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни тарғиб қилиш жамоатчилиги кенгашининг қабули

Байрамда фойда қатнашib, унинг қизиқарли ўтишига ҳисса қўшасиз деган умидамиз

Билангизнинг кайти соат 11.00
Адрес: метронинг «СССР 50 йиллиги» бекати



ГАЗЕТАНИНГ БУГУНГИ СОНИ ИШЧИ - ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ
МУАЛЛИФЛАРНИНГ ХАТ-ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

Шаҳар билан қишлоқ ўр-тасидаги тафовутлар ҳақида гап кетганида аввало қишлоқнинг турмуш даражаси, маданий савияси, дам олиш жойлари ҳақида сўз юртамиз. Қишлоқларимиздаги клубларнинг баҳорда пилла-корларга, ёз ва куз ойларида хашарчиларга берилиши кўпчиликлари аён. Хўш, бу борада пойтахтимизда аҳвол қандай? Биз шу саволга жавоб топиш мақсадида Октябрь районидаги Навоий номли маданият уйида бўл-дик.

Пойтахтимизнинг энг гав-жум кўчаларидан бўлган Халқлар дўстлиги прос-пектидаги осмоншар бино-ларнинг биринчи қаватида жойлашган маданият уйини топишимиз учун қийин бўл-мади. Бинога ўрнатилган икки қаватли дераза ойнала-ри очилмаганидан оралари ис босиб ётарди. Йўлак то-монга ўтдик. Деворларнинг бўёғи кўчиб кетган. «Комсо-мол прожектори», «Комсо-мол бурчаги» ва турли тўга-ракларга оид кўргазмалар бўм-бўш, кўримсиз. Суҳбатчи-мизни тўғарак раҳбарлари билан мулоқотдан бошладик.

— Уттиз беш йилдан бе-ри маданият уйида 6 та ти-кувчилик группасига раҳбар-лик қиламан, — дейди Муаз-зам опа йўлдошева, — ўтган йили давлатга 11 минг сўм пул тоширдим. Шаронти-мизни кўриб турибсиз. Син-фимизнинг икки эшиги бўл-са ҳам ақалли битта дераза-си йўқ. Қоронғи. Ҳаво кир-майди.

Ўқувчилар бу ерда ҳунар ўрганишлари учун бир йил-га 60 сўм ҳақ тўлайдилар. Замонавий кўйлақлар тикши-ни ўргатишга «Подольск».

«Чайка» каби тикув маши-налари керак. Лекин бизга берилган иккита қўл маши-наси ҳам яхши ишламайди. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Жуда қийналиб ўқувчи йи-ғамиз. Харобатга айланган жой-да кимнинг ҳам ўқигиси ке-ларди.

Суҳбатга ўқитувчилардан Мухаббат ва Дилдора Зоки-ровалар ҳам қўшилишди.

Ўқувчилар сони 25 та-

си-роқ гапириб берди. Мадан-ият уйида йигирмага яқин тўғарак бўлиб, уларнинг тўрттаси пуллик курслар экан. Ўтган йили давлатга 45 минг ўрнига 48 минг сўм пул ўтказилибди. Бу йилги план 40 минг. Ҳозир «Қурув-чи» кооперативи томонидан ремонт қилинган. Яқин кун-лар ичда маданият уйи-нинг «Дилрабо» ашула ва рақс ансамбли «халқ ан-

беришмайди. Ахир 45 аъзоимиз, музика асбоблари-миз, миллий кийимларимиз бор. 130 сўм ойлик оламан. Бирон тadbир бўлиб қолса йўл харажатины ўз ҳисо-бимдан тўлайман. Қачонгача бу аҳвол давом этади, бил-мадим.

Салоҳиддин ака жуда ку-йиниб сўзлади. У биздан ан-самбль ҳақида ёзмаслиқни,

Маданият уйи директори югур-югурдан чарчаган ў. Раҳимовнинг ҳам энди эшик қочкишга тоби йўқдек. Биз аҳвол билан тўлиқ танишгач, Октябрь рай-он иккита комитетининг ма-даният бўлими мудири Во-ҳид Одилов билан суҳбатда бўлдик.

— Хабарим бор. Бу бино метро миллияси ходимлари-га мўлжалланган эди, — дей-ди у. — Аввалги маданият уйи авария ҳолатига келиб қолгач, қийинчилик билан шу бинога эга бўлдик. Ҳо-зир шаҳарда маданият уйла-рини қуриш бўйича ҳеч қан-дай иш қилинмаяпти. Лекин шаҳар Советининг 1990 йил плагнига киритиш нияти бор. «Дилрабо» ансамблига иш-чилар шаҳарчасида жойлаш-ган кутубхонанинг ўқув за-лини бермоқчимиз. Ўқинда улар ўз автоклубларига эга бўлишлари керак. Шаронт-ларга келсак, аёллар айтган камчиликлар ҳар ерда топи-лади. Ремонтдан кейин хона-ларни янги мебеллар билан жиҳозлаймиз, совутичлар ўрнатамиз, Ремонт ишлари-ни 15 кунда тугаллаймиз.

Ваҳордан бери судралиб келаётган ремонт ишлари наҳотки шунча кунда тугал-ланса, Қанийди энди. Ахир «Қурувчи» иш бошлаганида ўқув йили тугамаган эди-ку! Аёлларнинг доди-чи? Ҳамма жойда аҳвол шу экан, деб индамай хотиржам ўтираве-риш пайтимас-ку, ҳозир!

Хуллас, ваъдалар ҳам, рекалар ҳам натда. Уларни қандай ҳал этилишини вақт кўрсатади. Биз эса бу мав-зуга, албатта қайтамиз.

Г. ШЕРМАТОВА.

НАВОИЙ НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСИН

га етмаса гурпушнинг очили-шига рухсат беришмайди. Стуллар кам. 25 та қизга 17—19 та ўриндик. Бичиш-тиқишда керак бўладиган бўй баробар ойна, дазмол, маникет ҳақида директорга айтавериш чарчади. У ҳам майли-я, андоза - чизишга ҳатто каттароқ доскамиз йўқ.

Ўқувчилардан Дилором Исмиловани суҳбатга торт-дик. — Яқинда тикувчилик курсини тамомлайман, — де-ди у, — бир йил давомида бу ерда бирон мартаба ки-йим тиккан эмасман. Тикув машинасининг қисмлари ҳа-қида умуман тушунчам йўқ. Лекцияда бу ҳақда ёзган бўлсанда, амалда ҳеч нарса ўргатишмади.

Сўнгги суҳбатдошимиз маданият уйи директорининг ўринбосари Салоҳиддин Мус-лимов бўлди. У ўзи ишлаёт-ган муассаса ҳақида батаф-

самбли» деган номга сазо-вор бўлиши керак. Кўриш-иб турибдики, бу кўрсаткичлар ёмон эмас. Хўш унда С. Мус-лимов нега нолидийкин?

— Ишдан бўшаш учун ариза ёзганим, бўшатишма-ди. — Салоҳиддин акашундай дея ёзган аризаларини узат-ди. — Маданият уйимиз ўз-бек маҳаллалари орасида жойлашган. Ҳозир ҳамма ерда тил, миллий масалалар-га оид мунозаралар кетаял-ти. Бизда-чи? Жой йўқ. Энг катта хонамизга 20 та одам сигади, холос. Энди йўлакни зал ҳолига келтирялмиш. Ле-кин у ерга ҳам кўп одам синамайди. Рақс тўғаракла-римиз 84, 13, 254-мактаб-ларда, ансамбль аъзолари турли ташкилотлардан рух-сатномалар олиб кино-театр залларида, ошхоналарда машғул ўтказишяпти. Кон-цертларга борсак, автобус

акс ҳолда «халқ» номини олишдан маҳрум бўлиб қо-лишларини айтди. Бу ан-самбль Октябрь районидаги маҳаллаларда, «Ешлар уйи»-да, Чимён дам олиш зона-лари, паркларда кўплаб кон-церт программаларини на-моиш этган. Биз ҳам бир неча мартаба уларнинг кон-церт программаларини томо-ша қилганмиз. «Дилрабо» чиндан ҳам халқ ансамбли номига лойиқ. Ешлари ин-тилувчан. У аллақачон бу номни олиши керак эди, ола-ди ҳам. Биз бунга ишона-миз. Лекин гап ансамблининг малакаси, қобилияти билан бирга умуман маданият уйи-даги шарт-шароит ҳақида бормоқда.

Қизиқ, наҳотки давлатга 45 минг сўмдан ортқ даро-мад бераётган маданият уйи-га эътибор шунчалик бўлса?



ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАЙЛИК

• Ичкиликбозликка қарши кураш тажрибасидан

Яқинда жамоатчи мухбиримиз Тошкент район мар-казий поликлиникаси руҳият-норкология кабинети нарко-логия врачн Машкура Мираҳмедова билан шифокорлар-нинг ичкиликбозликка қарши олиб бораётган ишлари, чо-ра-тадбирлари ҳусусида суҳбатлашди.

— КАСБИМ тақозоси би-лан менга турли вазиятда хилма-хил характердаги со-лом ва дардманд кишилар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Бундай чо-ларда суҳбатдошим қарши-сида ўзимни вазмин тутиб, келувчин обдан тинглаб, лозим бўлса, қўлимдан кел-ганча маслаҳат бераман, та-пининг йўсинига қараб, так-лиф, мулоҳаза ва истакла-ринини айтаман.

Бу воқеага анча бўлиб қолди. Одатдаги иш кунла-ридан бири эди. Аста каби-нет эшиги очилиб, хонага йиманибгина салом бериб, истараси иссиқгина, лекин ҳамгин бир эл кириб келди. Танишдик. Жувоннинг исми

Феруза бўлиб, у Навоий номи колхозга келиб бўлиб турганига анча бўлиб қол-ган.

— Биласизми, опажон, — деди ҳасратидан чанг чиқиб Феруза, — мана, уч-тўрт ой бўлиб қолдик, мен ойм-лариникида яшиб туришга мажбур бўлялман. Эрим Эркин Сотволдиевнинг кун-ига ичиб келиб, турли баҳо-налар билан жанжал кўта-равериши жонимга теккан-дан шундай қилдим.

Фурсат топиб Ферузанинг турмуш ўртоғи Эркин Сот-волдиевни кабинетга чақир-тирдим. Узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат асосида ичкиликбоз-лик иллат экани, унинг бу но-жўя қилмишидан онла но-

тинч бўлаётгани, боалар ҳам азият чекаётгани, яра-мас одат келажакимиз ағала-ри бўлиши — ўғил-қизлар тарбиясига акс татсир эти-ши ва қолаверса, ўз соғли-гига путур етказишини ётиги билан тушунтирдим. Аввали-га буюрган дори-дармонла-рини қабул қилиб, кабинет-мизга қатнаб, даволаниб юрди. Кейинчалик ҳамшира-миз Дилором Ортиқова Фери-зага келиб бўлиб тушган хо-надона бир неча бор бўлди. Эркиннинг онаси билан қай-та-қайта суҳбатлашиб қайт-ди. Маълум бўлишча, қай-нона турли баҳоналарни рў-кач қилиб, келинини ўтраса ўпоқ, турса сўпоқ деб чиқиш-тирмас экан.

Шу тариқа Эркин ҳафта — ўн кунда бир кабинети-мизга келиб турадиган бў-либ қолди. Суҳбатларнинг бирида: «Уч-тўртта уфдатла-рининг райига қараб, кўн-

гилчанлик қилиб, ичкиликка ружу қўйгандим, лекин са-риқ чақалиқ фойда кўрма-дим. Машкура опа. Энди умуман ичмаганим бўлсин», — деди Эркин ўз қилмиш-ларига пушаймон бўлиб.

Биргина бу эмас, балки районимизнинг турли чекка-ларида яшаб, меҳнат қилаёт-ган Раҳим Зиёмов, Тоҳир Мансуров ва Мурод Сагин-боев сингари кўпгина киши-лар борки, улар авваллари ичкиликка муккасидан кет-ган, эндиликда ўз рафиқала-ри ва фарзандлари билан аҳил-иноқ ҳаёт гаштини су-ромқдалар. Ана шундай, зах-ри қотил ҳисобланмиш ички-лик асоратидан қутулиб, меҳнат қилаётган «собиқ ич-киликбозлар»ни кўрганинг-да, кўнглинг қувончларга тўймай, иложинг қанча?

Ҳўйхат-ҳисобимизда ҳо-зир қарийб 350 нафар бе-мор бор. Уларнинг орасида

РАДИОЭЛЕКТРОН ап-паратларни тузатиш билан шуғулланидиган техника маркази хизматидан янги-йўлликлар миннатдор бўл-моқдалар. «Орбита—Сервис» деб номланган бу марказ хо-димили йилга аҳолига 170 минг сўмликдан кўпроқ хиз-мат кўрсатмоқдалар. Сурат-да: яхши созланиб, эгалари-га қайтарилш учун тайёрлаб қўйилган телевизорларни уста Ҳакиб Дадахонов (ўнгда) яна бир бор қўлдан ўтказ-моқда.

Суратчи Р. ГАЛИЕВ.

кабинетимизга қатнаб, муо-лажа олаётганлар ҳам, вақ-ти-вақтида бизнинг тавсия-миз билан Қиёрайдаги даво-лаш — меҳнат профилакти-койси ёки наркологию касал-хонада ётиб, даволанаётган-лар ҳам бор.

Алкоголизм хасталигига чалинган кишилар беш йил мобайнида ичмасалар, улар-ни ҳисобдан чиқариш мум-кин. Биз ҳам яқинда юқори-даги рўйхатдан 5 кишини чиқаришга қарор қилдик. Бундан ташқари, 100 дан ортқ эндигина ичкиликка берилаётган кишиларни ҳам профилактика ҳисобидан чи-қардик. Лекин ҳали бу кел-тирилган рақамлар кам, ал-батта. Районимиз бўйича ичкиликбозлиқнинг камайи-ши қийин бўлмоқда. Шу бо-исдан биз жойларда тез-тез бўлиб, ичкиликбозликка қар-ши қаратилган лекция ва суҳбатларимиз таъсирчан-лигини оширишимиз шунинг-дек, район медицина ҳушёр-хонаси, ички ишлар бўлими ва Давлат автомобилъ инс-пекцияси каби муасса-са ва идоралар билан ҳамкор-ликни кучайтиришимиз ло-зин.

Суҳбатчи М. ТУРОВОВ олиб борди.

● Чинозда халқлар дўстлиги байрами

ҲАММАЛАРИ
ҚАДРЛИ

Байрамга келган кишилар «Ленин байроғи» газетасининг янги сонини қизиқиб кўздан кечиряшарди. Бугун районда ўтаётган халқлар дўстлиги байрамига бағишлаб махсус сон берилган эди. «Тақдирдошнинг» деб номланган бош мақолада қизиқарли рақамлар келтирилган. Ички саҳифаларда турли миллат вакилларига минбар берилган. Улар ўз мақолаларида дўстликни кўз қорачигидек асрашга, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга даъват этганлар. А. Бекировнинг Қримдан йўллаган мактубида шу йилнинг июль ойидан бошлаб бу ерда «Кримская правда» област газетасига илова тарзида қрим татар тилида «Дос-тлукъ» ҳафталиги нашр этила бошланганлиги маълум қилинган. Ҳафталиқни ҳозир Ўзбекистонда ҳам олиб ўқишмоқда.

Чиноз район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларини тақомиллаштириш масалаларига бағишланган Пленуми олдидан бир қатор тadbирлар ўтказаяпти. Бугунги халқлар дўстлиги байрами ҳам шу тadbирларнинг бири бўлди.

Байрам қатнашчилари шаҳар марказидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, сўнг У. Юсупов номли маданият ва истироҳат боғи томон юрдилар. Дўстликка қорловчи шнорлар, қардош республикалар байроқлари шабадада енгил тебраниб турибди. Ҳар ер-ҳар ерда дошқозонлар осилган. Ўзбек, корейс, қрим-татар, рус пазандалари миллий таомлар тайёрлашмоқда. Кенг майдонда эса миллий кийимлар ва безаклар намойиш этилапти. Қўрғазмалар атрофи одамлар билан тавжум.

Соғ-салқин жойларда миллий ансамбллар ҳаваскорлари ўз санъатларини намойиш этишяпти. Яллама қишлоқ маданият уйининг «Дилнавоз», Эски Тошкент қишлоқ маданият уйининг «Сумбула» фольклор ансамбллари, қрим-татар бадиий ҳаваскорлик коллективлари даврага фойз кiritишяпти. Туркча, озарбайжонча, ўзбекча куйларга ҳамма қўшилишиб, рақсга тушмоқда.

Шу пайт таомлар ҳам тайёр бўлиб қолди. Турли миллат фарзандлари ёнма-ён ўтиришиб, миллий таомлардан тановул қилдилар, пазандалар маҳоратига баҳо бердилар. Бир пиёла чой устида самимий суҳбатлар бошланди. Суҳбатлар давомида халқлар дўстлиги туфайли районда рўй бераётган ўзгаришлар тилга олинди. Бундай байрамлар турли миллат фарзандлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, албатта.

Қ.ЗОКИРОВ,
Э.ТОШМАТОВ.

● СУРАТЛАРДА: халқлар дўстлиги байрамидан лавҳалар.



УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР



...1928 йил. Тошкентда қиш авжиде. Кечаси узоқ ва совуқ. Оқшом пайти дадам Эгамберди Самир ўғлини йўқлаб, узоқ-яқиндан «ёсо-қоллар келишарди. Улар айвонда чодир ортида танчага жойлашиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашарди. Мен эса чой дамлаб, патнусада зогора нон, талқон, майиз, туршак ва ёнғоқ келтирдим.

Сўхбат пайтида Тошкент ҳақида кўрган ва эшитганларидан, билган-ўқинганларидан навбатма-навбат сўзлашарди. Масалан, бунақа давомли қаҳратон йиш 80-100 йилда тақрибланганмиш. Шу янаб турган шаҳримиз эса бир вақтлар қир ва адирлардан иборат бўлиб, асосан — машиқдан мағриб томон дарахтзор, бутазор ва қамшизорлар билан қопланган экан. Фаслга қараб тур-

Таниқли шифокор Экирлла Эгамбердиевнинг истезодли қаламқаш ҳам экинлиги газетчиюлрға маълум. Эл ҳурматини қозонган бу нежоткор ҳозир «КЕКСАЛАР ГУРУНГИДАН» деб номланган биографик қиссва устида ишламоқда. Кўйида унинг ижод масқулидан бир парчанни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ли ранго-ранг гуллар очиларкан. Жониворлар, паррандалар билан обод бўлган бу чаман ҳар бир ўткинчининг ақлини ўзига маҳлиё этаркан. Машҳур ипак йўли ҳам ана шу ерлардан ўтган. Аждодларимиз эса у ер бу ерда қўниб, ҳордиқ чиқарганлар. Ваъзилари кетиб қолган бусалар-да, кейинчилари ёру биродарлари билан яна Тошкентга қайтишган экан. Уларнинг орасида бошқадавлат ёки миллат муҳожирлари, шунингдек, тарки дунё этган кимсалар ҳам йўқ эмасди.

Азим шаҳарда илгари иморатларни қамши билан ёпишар, устига тупроқ ёйиб, сўнг сомонли лой билан суваб қўйарди. Эски томлардан чакка ўтиб кетиши ҳеч гап эмасди. Уйлар асосан тепаликлар устига қуриларди. Хусусан, Хадра-Жангоҳ, Баланд масжид, Ғишт масжид, Равс кўча, Қор ёғди, Қоратут, Лабақ умуман у ёғи Шивилгача етиб борган тепаликлар устида зич, аммо, катта-кичик уй-жойлар қад қўтарган. Анчагина қадимий тарихга эга бўлган Олмазор, унинг шимолида Эски Жўва, Себзор, Сарикҳумдон, Тахтапул даҳалари, Чивилдиқ, Вешогайни, Қошниччилик, Қоши ва Хўжа кўча маҳаллалари тепалик устида бўлган. Шундай қилиб Тошкент тепаликлари бирин-кетин иморатлар би-

лан зич қопланиб, фақат чуққилиригина ўз ҳолича қолган. Шаҳар атрофида, ҳатто, ичкарида ҳам жарликлар кўп учрайди. Улар яқинида эса қингир-қийишқ кўчаларни кўплаб учратиш мумкин эди. Жарликларнинг чуқур қисмида машриқдан мағриб томон сув оқа бошлаган (Бўржар, Кайковуз, Қорасув, Салор, Жангоҳ, Анхор, Чорсу) булар аслида Чирчиқ irmoғи Бўзсувининг давомини ташкил этган. Сел келиб, тошқин бўлганда кўчаларни сув босган. Кўчалар одатда тизза бўйи тупроқ бўлиб, ёзда оёқни куйдирарди, қишда эса қадам босиб бўлмас даражада ботқоқ бўлиб кетарди. Шунинг учун ҳам ҳар бир аҳоли тўпланган ер (маҳалла) да ўзинга яқин масжид, ҳовуз ва мазори бўларди. Хусусан, Ғишт масжид маҳалласи атрофида тўртта — Девоняйн Брух, Қиличлик ота, Хўжа Рўшнот, Уффақота қабристонлари мавжуд эди. Болононалар қуриш ташқи ҳовилар бунёд этиш ҳам одат бўла бошладди. Атроф-теваракдаги бўш ерларда ҳам қурилишлар қад кўтара бошлайди. Яйлову бог-роғлар пайдо бўлиб, шаҳар чегараси катталашиб борарди. Бошқариш осон бўлсин учун у (Шайхонтоҳур, Себзор, Вешоғоч, Кўча каби) даҳаларга бўлинади. Бу даҳаларда ҳар кимга ўзига яраша юмш

топиларди.

Эркаклар деҳқончилик, чорвачилик, овчилик билан шуғулланишган. Айни пайтда жуда ҳунарманд бўлишган ҳам.

Оналар, асосан, уй ишлари билан шуғулланадилар. Бугўди, сўк қовуриш, талқон қилиш, қатиқ, қаймоқ, сузма, қурут тайёрланган. Атала, ҳолвайтар, қайла, ширгуруч, ширчай қатори қозон ёки ўчоқларда, ҳаттоки, тандирда димланган гўшти тановул қилишган.

Фарзандлар парвариши ҳам, асосан, оналар зиммасида эди. Чақалокни овутуш ва ухлатиш учун беланчак қўл келган. Бешик эса онанинг рўзгор ишлари билан нихоятда банд эканлигидан дарак беради. У вақтларда дори-дармонлар ва ёки бирон тайин табиб бўлмаганлиги сабабли, она ширин сўз, меҳрибонлик, кўз ёши билан ҳамдард бўлган, аҳвол оғирлашса, чор-ночор ирим-сирим йўлга ўтган. Натига да бидъат пайдо бўлган. Она сочини ёйиб осмонга боқиб, алланерсалар деган, ёлборган. Чирманда чалиб, ўйинга тушган, беморга сув сепган ёки кинна солган. Чиллашир бўлган фарзандини чиллакнинг баргларида кўмиб қўйган. Сўғад чиққан боласини Сўғал масжидга, кўкйўтал бўлганини Кўктуллик ота мазорига олиб борган. Она «болом», «бўтам» дея ўз яқинидаги қабристонга бир пақир тугун олиш ҳам чиқарган. Натигада бундай оналарни Саломат, Шафбат, Хосият, Меҳри, Саодат, Хури, Муҳаббат дея тилга олганлар. Сочдан тумор қи-

лиш, қабристонга соч осиб қўйиш каби бидъатлар онага сингани, ундан мадад сўраш мурдасини айлатади. Маҳаллий халқнинг (рахит, бод, безгак, ичбуруқ) сингари дардлари бўлган. Аммо ўткинчилари — қарвонлар, қочоқлар ўзлари билан етти ёт хавфли касалликларни (бўғма, қизамиқ, вабо, ўлат) юқтириб, кўп балоларни бошга солганлар.

Бунинг устига вақти-вақти миллий, диний урушлар, туңнашулар бўлиб турган. Жангу жадаллар кимларини ёттигини қуритган бўлса, кимларинидир мажруҳ, ногирон қилган.

Синган-чиққанга бас келадиган тadbирлар эса азалдан маълум бўлган. Оёқ ёки қўлни дарров тахтаначлаб қўйишган. Қайсидир табиб эса ганч қўлаган. Аъзо сиғадиган чуқурлик қилиб унга ганч аталасини қўйган. Қотгандан сўнг синган суяк тинчиган бўлади. Ўша вақтларда ётаверма, ётагон бўлиб қолсан, ўтираверма ўтирадигон бўлиб қолсан, деган лўқмалар эшитилиб турарди.

Бир сўз билан айтганда, ҳаёт муаллим деганларидек аждодларимиз ўзларига хос таълим-тарбияга эга бўлишган. Лекин ялқов, даңгасанинг бири икки бўлмаган, дилзордан нари юришган. Ўғрининг қўли шартта кесиб ташланган... Ширинсуханлик, қамтарлик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, қамарбасталик, ор-номуслик каби хислатлар кишини безаган, улуг'лаган...

Экирлла
ЭГАМБЕРДИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати, истефодаги медицина подполковниги.

Утган йил редиқаяғи бил-
дирган фикрларидан бирда
чайовочини куш этиш түгү-
сиде анык тақпифлр кыртган
эдим. Хусусан, газета саҳифа-
сыда чайовочини куш эте-
уеги тугуеги биле бериле, ки-
молы бугуе уш муттаадам-
ларнинг баһарасини элга кү-
шатини сураганин айдимда.
Газета тахминин босди. Фикр-
ларим дээрли үзгөрсиз өз
ифодасини толди. Анык ист-
аст-истақлиғиға коллөвердим.
Тоқшак саҳифага келди. Ки-
молы бугуе уш муттаадам-
ларнинг баһарасини элга кү-
шатини сураганин айдимда.
Газета тахминин босди. Фикр-
ларим дээрли үзгөрсиз өз
ифодасини толди. Анык ист-
аст-истақлиғиға коллөвердим.
Тоқшак саҳифага келди. Ки-
молы бугуе уш муттаадам-
ларнинг баһарасини элга кү-
шатини сураганин айдимда.

ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Мен «Тошкент ҳақиқати»нинг доний мухлисларидан бириман. Уни доимо қизиқиш билан ўқиб бораман. Кейинги пайтда газетангиз материаллари мавзу доираси кенгайиб, яна ҳам ўқимли бўлиб борапти. Қайта қуриш берган ошкоралик туфайли экономика, экология ва маънавий ҳаётимизга оид турли долзарб муаммолар кенг ёритилмоқда.

Баъзан шу материалларни ўқир экансан, ҳаётимизда салбий ҳодисалар шу қадар кўп содир бўляптики, деган савол ҳам уйғонади. Камчилик ва нуқсонларимиз қанчалик кўп бўлмасин қайта қуриш ўз йўлидан борапти-ку. У бугунги кунимиз тарихида ўз ижобий изини қолдирапти. Барча соҳада кўплаб ўзгаришлар юзага келяпти. Ана шу ўзгаришларни одамлар амалга оширяптилар. Нега энди газетангиз саҳифаларида ана шу одамлар, уларнинг шахсий фазилатлари, меҳнат тажрибаси ҳақида очерк ва лавҳалар жуда кам берилади? Ваҳоланки марказий газеталар саҳифаларида камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасизлик қилиб яшай олмаган курашчан одамлар ҳақидаги ҳаётини мақолаларни кўплаб ўқиб мумкин.

«Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида ҳам ана шундай кишилар ҳақида кўпроқ материаллар бериб борила. Улар қандайдир кишининг руҳини кўтарайди, ҳаётга фаол муносабатда бўлишга ундайди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери.

ОШКОРАЛИК КУЧАЙСА

ЎЗИМНИ матбуот ихлосмандлари қаторига қўшишга ҳақлиман деб ўйлайман. Чунки ҳар йил «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Еш ленинчи», «Мухбир» каби газета ва журналларга қанда қилмай обуна бўламан.

Обуна қизғин паллага кирган шу кунларда биз матбуот мухлисларининг у ёки бу газетанинг мавзуси, мазмунини, кўпроқ эътибор берадиган асосий мавзуси ҳақида баҳслашишимиз табии, албатта. Яқинда обуна бўлаётган бир танишим билан газеталар ҳақида суҳбатлашиб қолдим. «Мухбирларни асаларига ўхшатгани келади, — дейди у. — Ёзган мақоласи унинг асли ҳисобланади, татиб кўриб баҳо бериш эса газетхонларнинг иши». Тўғри гап. Ҳақи-



қатан ҳам кейинги пайтларда газета-журналларнинг мавзуси, мазмунини кескин ўзгарди.

Аммо, йирик-йирик муаммолар биз истаганча кенг ва тўғри ёритилаётгани йўқ. Жумладан, маҳаллий Советлар мавқеини тиклаш, ишнинг жонлантириш ҳақида фақат гапирилапти-ю, амалда ҳеч нарса ўзгармапти. Нима учун? Буни матбуот органлари очиб бериши керак-да ахир.

Афсуски, биз ҳозир бу мавзулардаги мақолаларни кам ўқиямиз. «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳам бу масалага эътиборни кучайтсра, унутиб қўйилаётган соҳаларга ҳам қўл урса, айниқса ошкораликни янада оширсин айтиш мумкин бўлади.

Б. ХУДОЕВОВ,

меҳнат ветерани, пенсионер.

ИШ ҚҲРОЛИНГ СОЗ
БҲЛСА, МАШАҚҚАТИНГ
ОЗ БҲЛУР

Чиноз районидаги Карл Маркс номи колхозининг тажрибали сувчиси Нурмухаммад Давлатов бу нақдга қатъий амал қилади. Обдон кетмонини маромига етказиб чарқлаб, ўткир қилиб олгач эгат орайла бошлайди. Бошқаларга ҳам шунини тавсия қилади, яқиндан ёрдам беради...

Р. ГАЛИЕВ суратга олган.



МОЛ БОР-У, ПОДАЧИ ЙҲҚ

Газетхон
газета ҳақида

ОБУНА
ИМТИЁЗЛИ
БҮЛСИН

Вақтда матбуот органларига обуна бўлишнинг янги тартиб-қоидаларига мувофиқ бу йил ҳар қандай газета ёки журналга йилнинг исталган вақтида ёзилиш мумкин эди. Шунга қарамай, аксарият одамлар қўлини қолқалиқлар сабабимиз ёки бошқа сабабларимиз, ҳар қалай август-сентябрь ойлари долзарб обуна мавсуми-гича қолайпти. Маёна ҳозир ҳам обуна қизғин давом этаётган. Жумладан сизнинг газетангиз — «Тошкент ҳақиқати»га ҳам.

Аммо, мени бир нарса ажаблантиради. У ҳам бўлса, обуначиларга бирор-бир имтиёзнинг йўқлигини. Маълумки, газетанинг шанба сонлари 8 бетли, кичини ҳажмида ва рангли чиқишнинг муносабати билан, ана шу сонларнинг нархи 5 тийин қилиб белгиланган эди. Натигада, мазкур напширнинг бир йиллик обуна қиймати ҳам 1 сўмдан зиёроқ ошди. Бир қарашда бу аризмаган пул бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Бироқ, кунда газета харид қиладиган газетхонларга нисбатан унга обуна бўладиганлар учун имтиёз бериш мақсадида ана шу устима қиймати олиб ташлана ахши бўларди. Бошқа марказий газеталар обуначиларда бундай имтиёзлар бора.

Ш. УМАРОВА,
ТошДУ талабаси.

Агротехнология комплексининг долзарб муаммоларидан бири

МАМЛАКАТДА ХАЛҚНИНГ

турмуш маданияти ва социал аҳволини яхшилашга партия ва ҳукумат томонидан иккидир аҳамият берилаётгани натижасида қишлоқ меҳнаткашларининг иқтисодий аҳволи ҳам сезиларли даражада яхшиланиб бормоқда. Аҳолининг чорва маҳсулотларига, биринчи навбатда гўшт ва сутта бўлган эҳтиёжини қондиришда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Шунинг учун сўнгги йилларда қишлоқ хонадонларида чорва моллар туғғини кўпайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Масалан, кейинги бир йил ичига фақатгина «Оҳангарон» ва «Ангрэн» совхозларига меҳнаткашларга ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга амалий ва моддий ёрдам берилаётганлиги туфайли аҳоли 370 бондан ортиқ йирик шохли қорамол ва 700 бондан кўпроқ қўй ва эчкилар сотиб олди. Бунинг самараси орадан кўп ўтмай кўринди. Бир йилдаёқ халқ депутатлари Қорахитой ва Облик қишлоқ Советлари ижроия комитетларида аҳолининг давлат қабул пунктларига сотаётган сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларининг миқдори икки баробар ошди.

— Молларни сотиб олаверибмиз-у, аммо уларни боқиш йўллари сира ўйламаган эканмиз, — дейди биз билан суҳбатда Қорахитой қишлоқ Советига қарашли Ялпоқтепа аҳоли пунктининг маҳалла комиссияси раиси Саттор Сорбоев. — Ҳозир қишлоқларда мол боқадиган одам топилаётган. Бу иш энг катта муаммо бўлиб турибди.

— Ҳозир аҳолининг молини боқишда қийин иш йўқ, — дейди Қорахитой қишлоқдаги аҳолининг молларини боқувчи Абдусамид ака. — Йиллар эрлар мутлақо қолмади. Ялпоқтепа қишлоқда эса ҳатто молларни узоқ йилларга ҳайдаб борадиган йўл ҳам йўқ. Ҳамма томонга пудратчилик, ижарачилар экилар эки ташлашган.

Мен яқинда иш билан Ялпоқтепага бордим. Дарҳақи-

қат аҳолининг молини узоқ йилларга ҳайдаб боришининг ўзи мушкул бўлиб қолибди. Илгари мол боқадиган Бўрилик, Толбулоқ, Сарикшилоқ йилловлари ҳам кучли насослар ёрдамида сув чиқарилиб, экинзорларга айлан-тириб юборилган.

— Қишлоғимиз меҳнаткашлари ҳар кунини уч тоннадан ортиқ сут топиришди, — дейди партия ва меҳнат ветерани Қайом Маматов. — Шунингдек йилга 170 тоннага яқин гўшт ҳам бераёптимиз. Аммо молларимизнинг боқишчи, уларга йилловлар ажратиб билан ҳеч ким шуғулланмади. Ваҳоланки, ёлғиз Ялпоқтепа қишлоғининг ўзидаги аҳоли қўлида 700 бош сиғир, 1800 бош қўй ва эчкилар бор. Қорахитой қишлоғида эса бу рақамлар икки баробар юқори. Йиллов ерларининг йўқлиги сабабли кўпчилик кишилар жамоат ишини ташлаб қўйиб, шахсий молларини уйда боқиш билан машғул бўлмоқдалар. Қишга гамланадиган пичаннинг ўзи ҳали ҳал этилмаган. Совхозларнинг раҳбарлари эса аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондира олмайпти.

— Совхозимиз территориясидаги ўнга яқин аҳоли пунктларида истиқомат қиладиган меҳнаткашлар қўлида 3000 бондан зиёд сиғир, шунга икки баробар кўп миқдорда майда қўй-эчки бор, — дейди «Оҳангарон» совхозининг директори Улугбек Иброҳимов. — Бунга хўжалигимиздаги молларни ҳам қўшиб ҳисобласак, йигирма мингдан ортиқ. Қўлимизда эса фақат уруш ва меҳнат ветеранларидан хашак сўраб тушган 550 дан зиёд ариза турибди. Уларга бир тоннадан хашак берилганда ҳам 550 тонна бўлади. Кўриб турибсизки, ҳаммани хашак билан таъминлаш жуда мушкул. Бунинг устига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича юқори ташкилотлар-

нинг таъини натижасида ҳатто айрим йиллов ерларини ҳам қисқартиришимизга тўғри келди. Бу жуда катта хато эканлиги маълум бўлиб қолди. Биз шу йилнинг кузиданоқ бу нуқсонларга барҳам берамиз.

Совхоз директорининг фикрича, бунинг учун аввало Отчопар массивидаги экинзорлар тартибга келтирилади. Гулмома йилловларида аҳоли молларини боқиш учун махсус жой ажратилади, бироқ шунда ҳам меҳнаткашларнинг талаби тўла қондирилмайди. Нега?

— «Оҳангарон» совхозидан «Ангрэн» совхозини ажратиб чиққан пайтларда ҳар иккала совхознинг территориялари мутлақо эҳтиёсиз бўлинган. Совхозларнинг чегараларини аҳоли талабларига зид равишда белгиланб чиққанлар. Натигада ҳозир Қорахитой қишлоқ Совети («Оҳангарон» совхозини) территорияси бўлган Оқчасой, Толбулоқ, Сарикшилоқ, Тарновсой, Чарқин йилловлари «Ангрэн» совхозига (Облик қишлоқ Советига) бериб юборилган. Бу ерларга жойлашиб олган «Ангрэн» совхозининг ижарачи чўпонлари катта-катта майдонларини сим тўрлар билан ўраб олган, қолган майдонларини эса ўзбошимчилик билан экинзорларга айлантириб юрган. Оқибатда аҳолининг молларини боқадиган йилловлар мутлақо йўққа чиқарилган. Агар мабодо аҳоли молларини боқадиган одам топилса-ю, у жуда катта эҳтиёж билан совхоз экинзорларининг чеккаларида боққан тақдирда ҳам подачининг боши маломатдан чиқмайди. Меҳнаткашлар эса «Ангрэн» совхозининг йилловлар чегарасини Оқчасойнинг чал қирғоғидан расмийлаштиришни сўраб жуда кўп ошбаста ташкилотларга: Тошкент область Совети ижроия комитетига, область агрорасоат комитетига ва бош-

қа нуфузли идораларга мурожаат қилгани ҳолда ҳали ҳам жавоб ололгани йўқ.

Енариқ аҳоли пунктидаги меҳнаткашларнинг қўлида 600 бош сиғир, 400 бондан кўпроқ қўй-эчкилар бор. Аммо уларни боқадиган йилловлар ҳам қолмади. Қишлоқ атрофининг ҳаммасини Янги Ангрэн ГРЭСи ва унинг катта-кичик корхоналари эгаллаб олди. Бу эса ўз-ўзидан аҳоли молини боқувчилар ишини жуда мушкул аҳволга солиб қўйганлиги натижасида подачилар йўқолиб бормоқда. Худди шундай аҳволи Оҳангарон шаҳрининг ёнгинасидаги Қўрғон аҳоли пунктида ҳам кузатиш мумкин. Бу ердаги меҳнаткашлар саноат корхоналарида ишлаш билан бир қаторда Оҳангарон районидаги Куйбишев номи совхозининг 200 кутига яқин иппак қўрти уруғларини парвариш қилади, шахсий хонадонлар ҳар кунини 1,6 тоннадан кўпроқ сут топиришди. Аммо қишлоқнинг ёнларига бостириб кирган турли саноат ва қурилиш ташкилотлари аҳоли молларини боқадиган йилловларни аллақачон эгаллади. Қишлоқ меҳнаткашларининг подачилари ҳар кунини Шановсойнинг тошларини «ялаб» қайтати, холос.

Бундай ачинарли аҳвол фақат Қорахитой ёки Ялпоқтепадагина эмас, балки Тут, қишлоқ, Унгут, Оқча аҳоли пунктларига ҳам ҳосидир. Қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари, район ва область Советларининг раҳбарлари бу мураккаб масалаларни кўпдан бери ҳал қилолмаптилар.

Бизнингча, бу масалада маҳаллий раҳбарларга озгина қатъийлик ва халқнинг фикрлари билан ҳисоблаш керак. Акс ҳолда халқини чорва маҳсулотлари билан таъминлашда катта таянч бўлиб турган аҳоли подачисига нима боқади?

М. ҚАЙУМОВ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

21 август

УзТВ

16.00 Болалар учун фильмлар. 16.30 Кувноқ эскадрон. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Ез табассуми. 18.45 Мультфильм. 19.25 Майда уғриликлар йўлига тўсиқ. Инсон ва қонун туркумидан. 20.00 Ахборот. 20.20 Қўшработ муаммолари. 20.50 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Уйғун. Парвона. Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Балет шинавандалари учун. 20.20 Баҳорги олимпиада ёки хор бошлиғи. Бадий фильм.

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Биринчи ва сўнгги учрашув. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Тезкор поезд. Бадий фильм. 11.00 Биз пензаликлари, пензаликлари. 11.30 Навқирон кино. ВГИКнинг 70 йиллиги. 13.10 Мўжизасиз мўжизалар. 15.50 Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб саргузаштлари. Бадий фильм. 1-серия. 16.55 Ҳужжатли фильмлар. 17.55 Мультфильмлар. 18.20 Концерт. 19.00 Англаб етмоқчиман. Ҳужжатли фильм. 19.55 Футбол шарҳи. 20.25 Театр. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Театр. Бадий фильм. 2-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 Испан операси юлдузлари. А. Краус.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Жонли конот. Илмий — оммабоп фильм. 10.20 Асрлар қавридан таралган куйлар. 10.45 Италия тили. 11.15 Бор бўл, музика. 12.00 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 12.15 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 15-серия. 13.10 Очик дарс. 13.40 Бадий фильм. 15.10 Совет Иттифоқиға хизмат қиламан. 17.30 Янгилар. 17.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. 18.25 Ҳужжатли фильм. 18.35 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. 19.20 Литва ССР давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Чувашистон АССР давлат телерадиоси. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 Ҳужжатли фильмлар. 22.55 Янгилар. 23.05 Тонгги почта.

Сешанба

22 август

УзТВ

16.00 Совет Иттифоқи бўйлаб. Кинопрограмма. 16.50 Баҳорги олимпиада ёки хор бошлиғи. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 Футбол. «Пахтакор» — «Даугава» (Рига). Танаффус пайтида Ахборот. 20.50 Космонавтарлар проспекти. 21.00 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб мавзу. 22.50 25-камерадаги қиз. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Стратон қизи. Бадий фильм. 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 С. Сафаров, «Виджон бурчи». Спектакль. 23.00 Армен Джигарханян. Телефильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Театр. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.20 Фильм-концерт. 11.50 Қай

ноқ нуқта директори. 12.40 Бу бўлган... бўлган... 13.00 Дунё бўйлаб. Альманах. 16.05 Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб саргузаштлари. Бадий фильм. 2-серия. 17.15 Бор бўл, музика! 18.30 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Сени севаман, ҳаёт. 19.35 Шу куннинг почтаси. 20.10 Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Театр ва замон. 23.40 Дунё воқеалари. 23.55 Фильм-концерт.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильм. 10.00 Концерт. 10.30 Француз тили. 11.00 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бакар. 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 16-серия. 13.10 Прометей. Мультфильм. 13.30 Француз тили. 14.00 Узага сайраллик қиз. Бадий фильм. 15.20 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгилар. 17.40 Амур жийлолари. 18.10 Мангу қўшиқ. Бадий фильм. 19.20 Мультфильм. 19.30 Экология ва жамият. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 1989 йил қўшиқлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қора тўп» билан содир бўлган можоралар. Бадий фильм. 23.50 Янгилар.

Чоршанба

23 август

УзТВ

16.00 Табиат ва биз. Кинопрограмма. 16.50 Стратон қизи. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. 19.00 Халқаро ҳаёт: Яқин Шарқ муаммолари. 19.30 Элға хизмат: талаб ва тақдир. 20.00 Ахборот. 20.20 Ўзбекистон. Телевизион киножурнал. 20.30 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Лирик концерт. 23.05 Ҳаёқ қувончлари ва ташвишлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.10 Советлар мажлакатининг кишилари. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Телефильм.

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Ак оргоо. Адабий-Бадий видеоканал. 23.05 Онежоним, азизим, меҳрибоним. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Бор бўл, музика. 9.45 Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадий фильм. 11.05 Театр ва замон. 12.40 Камалак. 13.00 Тезмирловчи Александр Попов билан суҳбат. 16.05 Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб таътиллари. Бадий фильм. 1-серия. 17.10 Музикали хазина. 17.55 Мультфильм. 18.15 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильмлар. 20.00 Халқ куйлари. 20.15 Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-концерт. 22.45 Останкино концерт студиясида кинорежиссёр Г. Франк билан учрашув. 00.15 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.55 П. Мерице Венера Ильская. 10.35 Немис тили 11.05 Концерт. 11.35 Ҳужжатли фильм. 11.50 Мультфильм. 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 17-серия.

13.05 Мультфильм. 13.30 Немис тили. 14.00 Урта ёшлилар қувончи. Бадий фильм. 17.30 Янгилар. 17.40 Мультфильм. 17.50 Бизнинг фондикидан. 18.40 Сузиб ўтилган қирғоққа олиб борадиган соя. 19.30 Миллий баскетбол асоциация-и профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Волейбол. СССР—Япония терма командалари. 21.30 «Время». 22.05 Учрашув. Бадий фильм. 23.10 Г. Берлиоз. Фантастик симфония. 00.05 Янгилар.

Пайшанба

24 август

УзТВ

16.00 Одамлар ишонинг менга. Бадий фильм. 17.45 Телефильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Хоккей. Политотдел (Тошкент облати) — Текстильщик (Тирасполь). 18.50 Мультфильм. 19.00 Тилга эътибор. 19.45 «Комсомол прожектори». 20.00 «Ахборот» рус. 20.20 Шўртан — бугун ва эртага. 20.50 Ўзбек куйларида концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Вазият. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Медицина ва биз. 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Сабзавот конвейери — 89. 22.15 Тақдир йўллари. Бадий фильм. 1-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.30 Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадий фильм. 2-серия. 10.45 Янгра гармон! 12.00 Останкино концерт студиясида кинорежиссёр Г. Франк билан учрашув. 13.30 Концерт. 16.05 Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб таътиллари. 2-серия. 17.15 Ҳужжатли фильмлар. 17.55 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.40 ТелеЭКО журнали. 19.10 Мультфильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Қалб қўри йўрилган Ер. 20.05 А. Платонов. 14 қизил ўй. Спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Спектаклнинг давоми. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 1989 йил қўшиқлари.

MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Поэзия. 10.30 Испан тили. 11.00 Мультфильм. 11.30 Бекиммаққў ўйини. 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 18-серия. 13.10 Концерт. 13.30 Испан тили. 14.00 Учрашув. Бадий фильм. 15.05 Ишлар қалай, раис? Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгилар. 17.40 Концерт. 18.00 Кеча келибқол. Бадий фильм. 19.10 Ҳужжатли фильм. 19.30 Украина ССР давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 В. И. Саввин, хотираи учун халқаро турнир. АҚШ — Куба терма командалари. 21.30 «Время». 22.05 Мана мен келдим. Бадий фильм. 23.35 Янгилар. 23.40 Сиз яратган бог.

Жума

25 август

УзТВ

15.40 Мультфильм. 16.40 Васият. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Шоирлар — болаларга. 19.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Карпати» АСК (Львов). Танаффус пайтида — «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ва замон. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Концерт. 23.05 Эртага — премьералар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.20 Ананалар, маросимлар, байрамлар. 21.05 «Пульс» информацион курсатув. 21.15 Ҳужжатли фильм.

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 Регионал ҳужжатли ҳисоби. 22.15 «02» хабар қилади: информация, хроника. 22.25 «Тақдир йўллари». Бадий фильм. 2-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.30 1989 йил қўшиқлари. 10.40 «14 қизил ўй». Спектакль. 13.30 Ёш ижроичилар концерти. 14.00 Умринг боқиб бўлсин, Ер! 16.05 Болалар учун фильм. 17.30 Концерт. 17.55 Фан: назария, тажриба, практика. 18.40 Интерсигнал. 19.10 Дунё воқеалари. 19.25 Стачкадан сўнг. Репортаж. 19.45 Останкино концерт студиясида врач-психотерапевт А. Кашировский билан учрашув. 21.30 «Время». 22.05 Бу бўлган... бўлган... 22.25 Куз. Бадий фильм. 23.55 Дунё воқеалари. 00.10 Ҳужжатли фильм.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар. 10.20 Инглиз тили. 10.50 Овуноқлар. 11.20 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. А. Саврасов. 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 19-серия. 13.05 Мультфильмлар. 13.30 Инглиз тили. 14.00 Иллюзион. Мана мен келдим. Бадий фильм. 15.30 Ритмик гимнастика. 17.40 Юлдузча ва қулочка. 18.25 Давр ҳақида ва ўзим ҳақида. 18.40 Ҳужжатли фильм. 18.50 Ритмик гимнастика. 19.20 Ҳужжатли фильм. 19.30 Майдон. Спорт программаси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Майдон. Спорт программаси. (давоми). 21.30 «Время». 22.05 «Борис Годунов» операсидан сахналар. 23.30 Янгилар. 23.35 Волейбол. Бразилия — СССР.

Шанба

26 август

УзТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Буратиннинг саргузаштлари. Бадий фильм. 1-серия. 11.05 Объективда — қайта қуриш. 11.35 Китеб дўстлари. 12.25 «Иқбол». 14.05 Замандас. Носир — меҳмонимиз. 15.35 Ҳаваскорлик солдат қўшиқлари фестивали. 18.05 Мультфильм. 18.25 Тенгдошлар. 19.20 «Спорт» кинопанорамаси. 20.00 «Ахборот». 20.20 «Назм ва наво». Бобур лирикиси. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Жиноят қидирув бўлими бошлигининг ҳаётидан. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ 18.05 Болаларга музика ҳақида. 18.35 Трёмбита. Бадий фильм. 20.00 Информацион программа. 20.30 «Парасту». Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Фарҳанг ва ҳунар.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган бог. 9.35 Инсон инстутти. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.40 Ҳайвонот оламиди. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Концерт. 13.15 Социализм мамлакатларида. 13.45 Фильм-концерт. 14.25 СССР халқ артисти Л. Зикина концерти. 17.00 Ойла экрани. 18.25 Расилар олами. 19.05 Планета. Халқаро «программа. 20.05 Уруш арафасида. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Одамлар ва манекенлар. Бадий фильм. 2-серия. 23.20 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиларлари. 9.45 Концерт. 10.15 Тунда айтилган эртақ. Бадий фильм. 11.30 НТМ. Информацион курсатув. 11.45 Камчатка телевизион студиясининг программаси. 13.00 Спорт разминкаси. 13.05 Концерт. 13.35 Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 13.40 Ҳужжатли фильм. 14.10 Будапешт баҳори фестивалининг концертлари. 14.25 ТВ ТУ ҳақида. 15.20 «КВН — 89» 16.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.30 Янгилар. 17.40 Совет маданий фонднинг ҳайрия кечаларида. 19.05 Шоирнинг қайтиши. 20.05 К. Родин қалади. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Универсиада. Жаҳон студент ўйинлари. Баскетбол. СССР — Канада. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 Тупроксиз бог. Фильм-спектакль 00.45 Янгилар.

Якшанба

27 август

УзТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Ойла даврасида. 10.40 Биргаликда куйлайми. 11.05 Буратиннинг саргузаштлари. Бадий фильм. 2-серия. 12.15 Светофор. 13.00 Амалий даяра столи. 14.00 М. Карим. Ой тугилган тунда. Спектакль. 15.35 Аёл хуснининг гавҳари. 16.05 «Уй — жой — 2000». 16.35 Реклама. 18.00 Мультфильм. 18.10 Болалар ва театр. 19.20 Қадрият. Одамлар ташвишида. 20.00 Ахборот. 20.20 Шейрият дафтарида. С. Фахриддинова. 20.30 Якшанба оқшомида. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Кино, кино, кино.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ

17.50 Дам олиш соатида. 19.00 Новости. 19.15 Мерос. Қайла ва Димна. 20.00 Шу ҳафтаининг воқеалари. 20.15 Телетомошабин ҳамоҳи. 20.30 Таронахон Шарқ. 21.30 «Время». 22.05 Пломбум ёки Хатарли ўйин. Бадий фильм.

MT I

8.20 Ритмик гимнастика. 8.50 «Спортлото». 9.00 «Камалак». 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Совет Иттифоқиға хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Савҳатчилар клуби. 13.00 Мультфильм. 14.35 Музикали киоск. 15.05 Зорове. 15.50 Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 15.55 Очик эшиклар кўни. 16.45 Қишлоқ янгиларлари. 17.45 Халқаро панорама. 18.30 Кинопанорама. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Днепр». Танаффус пайтида — Спорт ҳамма учун.

MT II

8.30 Зарядкаға сафланинг! 8.45 Экран юлдузи. Бадий фильм. 10.10 Экранда — «01» хизмати. 10.40 Ҳужжатли фильмлар. 11.30 Янгилар. 11.40 Давр ҳақида ва ўзим ҳақида. 12.00 Савҳатчилар клуби. 13.00 Умид вахтаси. Телеочерк. 13.30 Концерт. 13.40 Етти доврак. Ҳарбий ватанпарварлик ўйини. 14.30 Ҳужжатли фильм. 15.25 Волейбол. Халқаро турнир. 16.10 Дон Жуан ёки геометрик муҳаббат. Телеспектакль. 18.15 СССР ИИМ хабар қилади. 18.25 Тожикистон ҳақида очерклар. 19.05 Реклама. 19.10 Классик кураш. Жаҳон чемпионати. 19.55 Мультфильм. 20.15 1989 йил қўшиқлари. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Спорт ва шахс. 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Георг Отс ва опера. Фильм-концерт. 23.15 Ленинград — Лондон телекўприги. 00.15 Янгилар.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

МУШОНРА



Мақсуд Тоиров 1952 йил Тошкент областининг Паркент қишлоғида туғилган. 1977 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетини тугатган. Республика радиосининг болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар бош редакциясида ишлаган. Ҳозир «Паркент тоғи» район газетасининг муҳаррири.

ҚОДИРИЙ ҚИСМАТИ

Қўзинга суртаман. Шу китоб Олтинми ёритган нур, офтоб,
Ким айтар, ким айтар ҳақ жавоб,
Қодирий гуноҳи нимада?

Бўғзимни йиртмоқда бир алам,
Отабек, қўзларинг нечун нам?
Кукуюш, сен — сизглим, сен — онам,
Қодирий гуноҳи нимада?

Ошиқлар, айланглар фарёдлар,
Ох, сўз кўр қилгур бедодлар —
«Доҳий»га ситинган, эй зотлар,
Қодирий гуноҳи нимада?

Қодирий ситмаган гўр дунё,
Мозийдан келмоқда бир нидо.
Сен унга, сен унга бер садо,
Адибининг гуноҳи нимада?

Мен кимга айтайин дил сўзим,
Бир қўзим уйлса, сор қўзим,
Айт ўзинг, айт ўзинг, ўзбегим,
Қодирий гуноҳи нимада?

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Мен — солдатман, оддий бир солдат.
Сақлай олдим нон имоминин.
Лозим бўлиб қолганда фақат
Ватанимга бердим жонимин.

Қаҳрамонлик қилганим йў,
Шаҳид учун на даркор гуноҳ?
Ватанимга отилган бир ўқ
Юрагинга санчылди ногоҳ.

Сиз билмайсиз қайда мазорим,
Онам суғуб қўйган исминин.
Қирқ тўрт йилдир босиб ўтасиз
Тўпроқ бўлиб кетган жисминин.

Сиз билмайсиз, юртим йироқдир,
Шифтда қолган мен тишлаган нон.
Йўлларимга ҳаузу муштоқдир
Онажоним — хур ўзбекистон!

Тушларимда елиб-югуриб,
Етолмайман гул дийримга,
Юртдошларим, ишониб яшанг
Сафингизда менинг боримга.

Йиллар ўтса ҳамки орадан,
Навқиронман ва ёшдирман мен,
Ҳар кул тоғида тинчликни қўлаб
Порлаб чиққан қўшдирман мен.

МУҲАББАТСИЗ УМР

«Муҳаббатсиз яшаш нақадар қийин...»
Қўзиндан мен ўққан унсиз нидо бу.
Ҳақлигини сенга қандай айтايин,
Тақдир азиздан бир кам дунё бу.

Ота-оналарнинг истак-хоҳиши
Бизни бир болашга боғлаб қўйди-ку!
Пешонага ёниқ — ҳисматнинг иши,
Қалбимизни абад доғлаб қўйди-ку!

Ҳар иски юракда ёнмаган туйғу
Қизиниз юзидан порлаб турибди.
Ўғлиниз қўзида чақнаган ёғду
Бизларни нисофга чорлаб турибди.

Севилиб, тирноқда зор юрганлар бор,
Оҳлари ўртайдди оламини бу кун.
Уларнинг олдида бизлар бахтиёр,
Кел, энди яшайлик фарзандлар учун.

Мақсуд ТОИРОВ.

МАЙДОНДА—
ПРЕЗИДЕНТ

Буэнос-Айресда ўтказилган футбол ўйинида кўп сонли томошабинлар диққат маркази Аргентина терма командаси таркибиде ўйнаётган ярим ҳимоячида бўлди. Бу тушунарли албатта. Ахир 5-номерли оқ-мисий форма кийиб, мамлакат терма командаси ўйинчилари сарида майдонга Аргентина президенти, 59 ёшли Карлос Менем шахсан ўзи чиққанди-да.

Жанубий Америкада ўтадиган бошқа футбол ўйинларидан фарқ қилган ҳолда бу муСОБАҚА анча хотиржам ўтди. Майдон узра тез-тез томошабинларнинг гулдўрос қарсақлари ва олқишлари янграб турди. Улар ўйин давомида рақиблар дарвозасига уч марта чинакам ҳаф тугдирган Менемни доим қўллаб-қувватлаб турдилар.

Ўйин арафасида маҳаллий радиого интервью берган Менем спорт — унинг энг секинли машғулот эканлигини маълум қилди. Аргентина президенти футболдан ташқари автотомобиль спортини билан ҳам жиддий шугулланади.

Президент иштирокидеги ўйин тўғрисида йилнинг мублағ қашоқ аргентиналикларга ёрдам бериш учун ажратилди. Суратда: Диего Марадона ва Карлос Менем томошабинларни олқишламақдалар.

НАҲОТ ҚАНОТ
ЧИҚАРГАН?

Швейцариянинг Энмелбах водийсида жойлашган қишлоқларнинг бирда истиқомат қилувчи фермер ва унинг ёрдамчилари 330 килограмми букча қандай қилиб молхона томига чиқиб қолганини тушуна олмай гаранглар: Ё у ўта нодир «гимнастик қобилияти»ни намойиш этган, ёки аллақайси гуноҳлари учун «муҳлисалар уни ўша ёққа бадарга қилганлар, ёхуд қандайдир «мўъжиза» юз берган... Нима бўлганда ҳам томига чиқиб қолган бу жониворни у ердан олиб тушиш осон бўлмади. Агар вертолёт ёрдамга келмаганда унинг аҳоли нима кечиши номаълум эди.

БИР ТАНАДА
ИККИ БОШ

Икки бошли бу антиқа бузоқ Испания марказида жойлашган. Замора вилоятида дунёга келди. ЭФЗ агентлигининг хабарига кўра бузоқ яхши ривожланмоқда ва ҳозирнинг ўзида унинг вазин 50 килограммга етди. Бошқалари каби бу бузоқ ҳам сўргичда боқилмоқда.

ТАСС фотолари.

«ШИМОЛ
РАҚҚОСИ»НИНГ
БАҲОСИ

АҚШнинг Лексингтон (Кентукки штати) шаҳрида ниҳонсига етган наватбадги отлар ким ошди савдосида япониялик Тэруя Йосида зотдор аргумоқ учун 2 миллион 800 минг нақд пул тўлади. «Асахи» Иавнинг «Ньюс» газетасининг хабар беришича, ушбу тулпор зотдор отлар наслидан бўлиб, мутахассислар орасида «Нотерн дансер» («Шимол раққоси») лақаби билан машҳур экан. Ҳаддан ташқари қиймат бу ҳарид — инжиқлик ёки оламга танилиш мақсадидаги чираниш оқибати эмас. Бағоят гўзал ва чопқир бу аргумоқ



нинг янги бахтиёр соҳибини Японияда от етиштирувчи мутахассисларнинг энг таниқлиси деб билишади. Экспертларнинг фикрича «Шимол раққоси»

нинг «ўли» Йосидага тегишли «Сядай» от заводининг чинакам фахри ва беағи бўлиб қолади. Суратда: «Шимол раққоси» ким ошди савдосида.

НАТИЖА ЙЎҚ

ЭЪТИРОЗ

ОХУНБОБОВ номили қолхознинг «Шифокор» маҳалласида ўртасидан битта кўча ўтган. Бу кўчанинг номи ҳам «Шифокор» деб юритилди. Унинг бошқа кўчалардан фарқи шундаки, ярни асфальтланган, ярнига эса асфальт ўқда турсин, ҳатто кум-шағал ҳам раво кўрилмаган. Шу боис кўчанинг бу қисмининг қишда лой, ёзда чанг аримайди.

Бу ерда истиқомат қилувчиларга куз-кишнинг лойгарчилик кунларида, айниқса азоб. Автобус бекатига чиққунча нақ тўпқачана лойга ботишади. Катталарку майли, бир иложи-

ни қилишар, боғча ва мактабга қатнайдиغان болаларнинг қийналишини айтмайсизми! Тошкент район Калинин қишлоқ Совети ижроия комитетига ёрдам сўраб аҳоли номидан кўлаб шикоятлар ёзилган бўлса-да, ҳали бирон тайинли иш қилинган йўқ.

Маҳалла аҳли ҳадемай бошланадиган кузги ёгин-сочинларни ўйлаб, яна ташвишга тушиб қолди. Қаровсиз кўчанинг аҳолидан шикоят қилиб яна қаёққа бориш мумкин!

Маҳалла аҳли номидан шикоятни оқда кўчирувчи.
А. АЗИМОВ.

АКС САДО

УЙНИ КИМЛАР ОЛАЯПТИ?

«Уй керакми? Пулдан чўзинг» сарлавҳали мақола мени қизиқтириб қолди. Ўзим ҳам ўшанақа куйганларданман.

1985 йили 2 ўғлимга уй олиш учун ҳужжатларни топшириб 88—89-чи бўлиб наватбагга турган эдим. 1989 йили район ижроия комитетига борганимда «наватбининг 86-чи экан», деб айтишди. Ҳайрон бўлдим. Тўрт йил ичида юзтача ҳўжалик уй олгандир, менинг галим эса иккинчига силжиди, холос.

Кичкина ҳовлида 17 жон яшаймиз. Катта ўғлим тўртта

боласи билан 15 квадрат метрли жойда турибди.

Пискент район ижроия комитетига икки марта шикоят билан борганим, ижроком раиси «истаган жойингизга шикоят қилишингиз мумкин», деб қўполлик қилди.

Ҳўрматли редакция, бундай муомаладан сўнг нима қиларимни билмай, бошим қотиб қолди. Менга сизлар ёрдам бермасангиз, бу аҳолида ярим асрдан сўнг ҳам уй ололмай-диганга ўхшайман.

И. ҲАЙДАРОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов
Издается на
узбекском языке

Редакция адреси:

700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва ойнавий
ишлар бўлими.